

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 21 ноябрь шанба  
Сотувда эркин нархда № 230 (2011)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## АДОЛАТ ОҒТОБИ

**Мамлакатимиз Президентини Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари кенгаши навбатдан ташқари сессияларидаги маърузалари ва Ўзбекистон Телерадио компанияси раиси саволларига жавобларидан сўнг Юртбошимиз номига кўплаб хат ва телеграммалар келмоқда.**

Президентнинг маърузаларини халқ **Адолат оғтоби**, **Ҳақиқат чироғи**, **Халоллик йўли** деб атамоқда. Бу — жамиятимизда ва давлатимиз тарихида Янги давр бошланганидан далолат.

Бугун истиқлолдан кейинги қисқа тарихимиз, амалга оширган ишларимиз, шунингдек, энг аввало, раҳбар кадрларнинг фаолияти адолат ва халоллик мезонлари билан ўлчанмоқда. Давлатимиз раҳбари овоз ва обод ҳаётга барпо этишнинг ҳозирги босқичида эски тузум асосатларидан буткул халос бўлиш учун **Янги давват**, **Янги ташаббус**, **Янги ғояларни** илгари сурдилар.

Президент маърузаларининг умумий руҳида — адолат тарозинини бузган, нопоқлик йўлига кирган, халқдан ажралиб қолган кимсаларга — ким ва қандай мансабда бўлишларидан қатъи назар, улар билан мурося қилинмаслиги, асло кечирилмаслиги яққол намоён бўлди. Айни ана шу мезонни Президентимиз номига мактуб йўлланганларнинг аксарияти алоҳида эътироф этишган.

«Самарқанд вилояти навбатдан ташқари сессиясини катта ҳаяжон билан кўриб-эшитдим. Ҳақиқатан ҳам айрим юқори лавозимдаги раҳбарлар ўз хизмат вазифини суиистеъмол қилиб дабдабали маъракалар ўтказиши, хашаматли уйлар қуриб, кибру ҳавога берилиши, оддий одамларни назар писанд қилмаётганликлари кўпчиликда ҳақли эътироз уйлamoқда. Нопок кимсалар бу қинғирликларни лаганбардор-хушомадгўйларга суняиб амалга оширганлари ҳам рост. Президентимиз бундай ноҳалол кимсаларга шайқат қилмасликларини яна бир бор кўрсатдилар» деб ёзади Самарқанд локомотив депоси ишчиси **Учқун Саидназаров**. Кўзон шаҳридаги 23-маҳалла раиси **Н. Муйдинов** мактубида шундай сатрлар бор: «Маърузада ҳар ишда адолат асосий мезон бўлмоғи зарурлиги, уни буздирилган қилмишларига яраша жазо олажақлари қатъий таъкидланди». Тошкент шаҳар бosh имом хатиби **Абдуқодир Хайдаров**нинг фикрича: «Юртбошимизнинг нопок раҳбарларга нисбатан кўрган қатъий чоралари босар-тусарини билмай қолган мансаббасарат кимсаларга узиға хос ибрат бўлди».

Президентимиз ушбу сессияларда кўтарилган масала ва муаммоларни таҳлил қилар эканлар, авваллари кўп бор таъкидлаб айтилган: «Халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди», деган фикрни яна бир қарра эсладилар. Одамлар қалбидан мустаҳкам жой олган, уларнинг юракларида акс-садо берган энг зарур, энг қимматли нарса айнан ана шу фикр эканлигини қуйидаги хатлар ҳам кўрсатиб турибди.

«Инсон борки, камчиликдан ҳали эмас. Узиниғиз уқтирганингиздек, камчиликни халқ кечиради, аммо адолатсизликни кечирмайди» (**Яздон Худойкулов**, Денов тумани, И. Тўраев номида жамоа ҳўжаалиғи). «Хуқуқ-тартибот идораларидаги нопок кимсаларнинг нокорунлиги хатти-ҳаракатлариға кескин баҳо берилганлиғи айни мўдада бўлди. Қонунни химоя қилувчиларнинг ўзлари одамлар кўз ўнгида қонунни бузса, уни менсимаса, унда қонун-тартибни қимдан сўраш мумкин?» (**Салават Ҳрозов**, Нукус шаҳри).

Ўзбекистон давлат мустақиллиғига эришиб ўз йўлини танлаган биринчи кунларданок адолат тамойили жамиятнинг асосий таянчи бўлиши эълон қилинган эди. Боболаримиздан қолган «Юз қилдик тоат-ибодатдан бир қилдик адолат афзал» ўғитини Юртбошимиз қайта-қайта эслатиб келаятирлар. Ислохотлардан кўзланган мақсад, ҳозирда амалга ошириляган ишлар, умуман мамлакат ва халқнинг жамияти саяй-ҳаракатлари замирида, — адолатли жамият барпо этишдек улғуввор ва эзгу мақсад мўжассам. Давлатимиз раҳбари **«Адолат сўзи минг йиллар давомида инсонға ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, ниселсиз қурбонлар берган. Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида узок гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узок гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда»** эканлиғига алоҳида ургу

бердилар. Президентимизнинг бу фикрлари нақадар ҳаётий эканлигини мактубларда билдирилган қуйидаги мулоҳазалар яна бир бор исботлаб турибди: «Жойлардаги айрим раҳбарлар оғизда адолат ҳақида жуда кўп гапиришади, Ватан деб лоф уришади. Аслида эса уларнинг туриш-турушлари адолатдан ҳам, халқ манфаатларидан ҳам йироқ бўлганлиғи аниқ бўлмоқда» (**Утемурат Юсупбай**, Кўнғирот тумани, «Кўнғирот» деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси). «Мамлакатимизда Адолат ўрнатиши — мустақиллиғимизнинг, Президентимизнинг бosh мақсади эканлигини бутун халқимиз кўриб, сезиб турибди. Адолат йўлида, сиз, муҳтарам Президентимизга улғ аждодларимиз руҳи-поқлари ҳамиша мададор бўлсин» (**Ф. Сатторова**, Жиззах вилояти, Арнасои тумани).


Йўлбошимиз ўзларининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асарига қоррупция, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик ва ошна-оғайнигарчиликни давлатимиз, халқимиз ва тараққиётимизга таҳдид соладиган иллатлар, деб атаган эдилар. Президентимиз Самарқанд ва Навоий вилоятидаги бундай ярамас офатлар бошқа вилоятларда ҳам мавжудлигини таъкидлаб, эндиликда юқоридагидек номақбул ишларға мўлақо йўл қўйиб бўлмаслигини, жойлардаги раҳбарлар бундан сабоқ олиб, хулоса чиқаришлари шартлигини айтиб ўтдилар.

Хатлар ва телеграммаларни кўздан кечирар эканмиз, ошна-оғайнигарчилик, порахўрлик, маҳаллийчилик оддий одамларни ниҳоятда ташвишга соляётганлигининг гувоҳи бўлдик. «Жамиятимизда, айниқса, хуқуқ-тартибот идораларида авж олиб кетган порахўрлик, қариндош-уруғчилик, ўз вазифини суиистеъмол қилиш каби иллатлар ҳақида Президентимиз ачиниш билан гапирдилар. Бундай нарсалар халқнинг ғазабини келтирмоқда. Жиноятта қўл урган раҳбарлар қонун олдида жавоб беришлари мўқаррар. Мен Юртбошимиз бу борада олиб бораётган сиёсатни тўла қўллаб-қувватлайман», деб ёзади Қарши шаҳридаги 8-урта мактаб ўқитувчиси **Ш. Тўраев**.

Кўпинча иллатларнинг илдини раҳбарнинг иродасига, йимон-эътиқоидига, юрт ва халқ манфаатлари учун қанчалик жонқурлиғига бориб тақалди. Шу боис, Президентимиз: «Дунёда инсон иродасини синайдиган востилар кўп. Аммо уларнинг бирортаси ҳам амал, лавозим, мансаб каби одамзотнинг қимлигини, унинг қиёфасини ва моҳиятини яққол очиб бера олмайди», деган фикрни билдирдилар. Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай мансаб инсон иродасининг синонимидир. Бу синовдан кимдир ёруғ юз билан чиқмоқда, кимдир эса мана бу хатда айтилганидек: «мансабни шахсий бойлик орттириш йўлида қурбон қилиб, юзи шувут бўлишдек, анчик тақдирға рўпара келмоқда» (**З. Назаров**, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани маҳалла оқсоқоллари маслаҳат кенгаши раиси). «Самарқанд ва Навоийда бўлгани каби айрим ҳўкимлар бир-икки йил ўзлари кўрсатиш учун меҳнат қилишади, — деб ёзади Сирдарё вилояти «Маҳалла» жамғармаси раиси **М. Курбонбоев**, — кейинчалик эса ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчиликка берилиб, ўз бурчларини унутиб қўйшади. Бунинг оқибати нималарға олиб келишини эса ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди».

Елкасида минг-минг йиллик буюк маданият, илму урфон юки бўлган, бугун эса овоз ҳуқуқий-демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйган халқимизнинг уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчиликдек бало-қазодан қуттилиши неға оғир кечмоқда? Ҳозир кўпчиликки ана шундай изтиробли саволлар қийнаётганини мактублар мазмунидан кўляб олиш мумкин. «Бизни кўлдан бери қийнаб келаятган саволларға Президентимиз Самарқандда ва Навоийда халқимизға мўржаат қила туриб жавоб бердилар, — деб ёзади Бухоро вилояти Қоғон туманидаги «Убачули» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси **И. Рўзиёев**, — халқ фидойинси бўлиш, юраги пок, ҳалол, меҳнатсевар ёшларға кўпроқ йўл очини, Юртбошимиз айтганларидек, мамлакатимиз тақдирини белгилайди».

(Давоми 2-бетда).



## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов 20 ноябрь кўни Халқаро валюта жамғармаси фармойиш берувчи директорининг ўринбосари Шигеитсу Сугисаки раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни Ўзбекистондаги иқтисодий вазият билан атофлича таништириб, мамлакатимизнинг Халқаро валюта жамғармаси билан муносабатларида юзюга келган айрим аниқлашмоқчиликлар ҳусусида тўхталиди. Ушбу халқоролар молиявий муассаса билан ҳамкорлик алоқаларимиз изчил ривожланиётган бўлса-да, баъзи ҳолларда томонлар фикрида, ҳақиқатан ҳам, тофовулли жиҳатлар кузатилади. Президент Ислом Каримов бундай аниқлашмоқчиликларни келтириб чиқараётган сабабларни асосли ривожда баён қилиб, Ўзбекистон

Халқаро валюта жамғармаси билан ҳамкорликка ҳомиша тайёр эканини таъкидлади. — Биз Халқаро валюта жамғармасининг техник ёрдами ҳақида Жаҳон банкининг кўмагини инкор этмаймиз, — деди, жумладан, Президент. — Юртимиздаги янгилашилларда маълум маънода ана шу кўмакнинг ҳиссаси бор. Зотан, дунёда халқоролар молиявий муассасалар кўмагисиз иқтисодий инфратузилмасини ўзгартирган, иқтисодиётини юксалтирган, бир сўз билан айтганда, кўзланган катта мақсадларға эриша олган давлат йўқ. Ш.Сугисаки самимий

қабул ва мулоқот давомидаги ошкоралик учун Президентга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистонда кечаятган ўзгоришларға юқори баҳо берди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ ҳақида томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзюсидан ўзаро фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Ҳолишев, Бош вазир ўринбосари Б.Ҳамидов иштирок этди.

Қабул маросимида Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари К.Розенберг ҳозир бўлди.

(ЎзА) **СУРАТДА: қабул пайти. А. ТўРАЕВ олган сурат.**

## 21 ноябрь — Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси ташкил топган кун ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

**Кеча республика байналмилал маданият Марказида Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг уч йиллиғи муносабати билан маъмур Ассамблея ҳайъатининг «Туркистон — умумий уйимиз» шiori остидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Ассамблеянинг вице-президенти, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одила Ёқубов ўтган уч йил давомида қилгани маърифий-маданий ишлар борисида йиғилганларға сўзлаб берди.**

— Марказий Осиё халқларининг деярли барчаси қонқардош, дини, урф-одатлари бир миллатлардир, — деди у. — Шу боис, биз бир-биримиз билан ҳар доим иноқ яшамогимиз даркор. Улғ аждодларимиз Навоий, Жомий, Абай меросидан, қирғиз халқ эпоси — «Манас»дан шундай васиятларни уқини мумкин. Дарҳақиқат, халқларимизнинг улкан эиёлидари — С. Айнинг, М. Авезов, Ойбек, Фафур Фулом, Миртемир, М. Турсунзода, С. Улуғзода, С. Мўқонов, А. Тўқмобоев, А. Тўқмобоев, Б. Кербобоевлар ҳамиша қардошлик аниқаналарини ардоқ-

лаб яшаганлар. Ва улар ўртасидаги ижодий ҳамкорлик халқларимизни янада тотув-иноқ яшашға сафарбар этган. Мамлакатларимиз мустақилликка эришганда, халқларимиз ўртасидаги қардошлик алоқаларини қайтадан, янги мазмунда йўлга қўйишга имконият вужда келди. Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг ташкил топгани ҳам ана шу улғ ниёт йўлидаги қутлуғ қадамдир.

Ассамблеяга давримизнинг машҳур адиби Чингиз Айтматов президент этиб сайланди. Ўтган уч йил давомида Ассамблея кўпгина ибратли тадбирларни амалға оширди. Ўзе-

кстон Бадиий академияси билан ҳамкорликда Тошкентда Марказий Осиё мўйқалам усталарининг асарлари кўргазмаси, улғу қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезов ижодига бағишланган илмий конференция, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Бишкекда ўтказилган Исеңқул форуми, қозоқ, қирғиз, тожик адиблари ва олимларининг учрашувлари, давра сўхбатлари, шoirлар мушоиралари шулар жумласидандир.

Ўтган йилдан бошлаб Ассамблеянинг наири — «Марказий Осиё маданияти» газетаси чиқа бошлади. Янги йилдан бошлаб эса «Литературный Туркистан» журнали чиқарили-

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**20 ноябрь кўни Олий Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши намоёндалари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимларининг ўринбосарлари, бир қанча туман ҳақида шаҳар ҳўкимлари ва уларнинг ўринбосарлари, фуқаролар йиғинларининг раислари иштирокида «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти. Фуқаролар йиғинлари раислари ҳақида уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёрлик кўриши ва уни ўтказиш борисидаги вазифалар» мавзюида республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.**

Семинар-кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов кириш сўзи билан очди. «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти» мавзюида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов маъруза қилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитасининг раиси Д. Фуломова, Ўзбекистон Республикаси Президентини ташкилий-кадрлар сиёсати бўйича Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Э. Жалолов, Олий Мажлис Котибиятининг Назорат-ахборот бўлими мудирини Е. Мўхамедов, «Маҳалла» республика хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Ш. Жалилов, Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н. Исмоилов, ижтимоий таъминот вазирини Б. Умурзоқов, Бош прокурор ўринбосари Б. Бекмирзаев, Олий Мажлис Мағбуот ва ахборот кўмитаси раиси У. Ҳошимов, ички ишлар вазирининг ўринбосари Б. Парпиев, Молия вазирлиғи бошқармаси бошлиғи О. Йўлдошев, Давлат мулк кўмитаси раисининг ўринбосари И. Яковлев, республика Ер ресурслари кўмитаси раисининг ўринбосари Х. Фуломов, Олий суд раисининг ўринбосари Х. Усмонов, соелиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Б. Ниёзматов, Мулофа ва зирлиғи бошқармаси бошлиғи Б. Мирзамўхамедов сўзга чиқдилар. Анжуманда сўз олган Нукус шаҳри ҳўқими А. Аметов, Самарқанд тумани ҳўқими Р. Ҳакимова, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Беруний номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси С. Саидқаримов, Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Ертепа қишлоғи фуқаролар йиғини раиси Ш. Қодиров, Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги Тағоб

қишлоғи фуқаролар йиғини раиси Х. Усмоновлар ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Семинарда қонун ҳужжатларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтиришга доир қисмини янада такомиллаштириш, ўзини ўзи бошқариш органларида ишлаш учун кадрларни танлаш ва тайёрлаш, йиғин раислари ҳақида уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш билан боғлиқ ишларни ташкил этиш масалалари, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, хуқуқ-тартиботни таъминлаш, оилани ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини назорат қилиш, худудларини обдонлаштириш, ўйлар, оилавий тантаналар, маросимларни ўтказишда ҳалдан ташқари инсофгарчилик ва нокамтарлик ҳолларини барҳам топтириш борисидаги вазифалар ва бошқа кўпгина масалалар манфаатдорлик билан муҳокама этилди.

Анжуманда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлатимиз сиёсатини, қонунларимизни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, ҳукуматимизнинг ҳақида маҳаллий давлат ҳўкмиятини органларининг қарорларини ҳаётға таъбиқ этишдаги, республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалға оширишдаги бетимсол ўрни ва улкан аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Семинар ишида Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров ва Б. Шодиева, Ўзбекистон Республикаси Президентини левоний Қонунчилик ва суд ҳўкмиятини органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг раҳбари И. Назаров, бир қанча вазирликлар, идоралар, судларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

(Ушбу семинар-кенгаши ҳақида мухбиримиз тайёрлаган маъ материаллар билан газетанинг навбатдан кийинки сониде таънашасиз).

## МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Исроил саноат тараққиёт банки директорлар кенгашининг раиси Шломо Борохов раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон таъки иқтисодий алоқалар вазирини Э.Ҳаннев билан учрашди.

Учрашувада Ўзбекистонда кечаятган иқтисодий ислохотлар ва бу борада қўлга киритилган ютуқлар ҳақида меҳмонларға атофлича сўзлаб берилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Исроил ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик катта истиқболға эга экани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Исроил ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар суҳбатнинг бosh мавзуси бўлди.

Шу кун Исроиллик меҳмонлар Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банкиға ҳам ташриф буюрди. Улар маъмур банк фаолияти, хусусан, унинг хориж билан ҳамкорлик алоқалари ҳусусида таништирилди. Учрашува сўнггида Ташқи иқтисодий фаолият Исроил саноат тараққиёт банки ўртасида ўзаро бир-бирини аниқлаш ўртасидаги Меморандум имзоланди.

(ЎзА)

## ХАЛҚАРО КЎЧМА КЎРГАЗМА

**Шу йил 25-27 ноябрь кўнари Наманганда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳақида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган минитехнологиялар ва йилма ускуналар халқоролар кўчма кўргазмаси бўлиб ўтади.**

«Узбекистон» маъмурият мўтажасинлари гўшт-сўз ва дон маҳсулотлари, қандолатчилик цехлари, қодоқлаш машиналари ва бошқа ускуналар ишлаб чиқарадиган етацин хорижий фирма ва компанияларни жалб қилдилар. Кўргазма иштирокчилари орасида Болгариянинг «Вено», Исроилнинг «Пак Лайн» ва «М.А.Д. Агрикультурал Продактс Девелопмент Корпорейшн ЛТД», Туркиянинг «ЭКМА-САН», Хитойнинг «Трансмашипэкс», Италиянинг «Технари Продактс» каби ва бошқа фирмалар бор.

Кўргазмага Наманган вилояти раҳбаринининг фаол саяёҳатлари билан пухта таъйинлар қўрилди. Унда Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларининг кичик ва ўрта бизнес ҳақида леҳзон ва фермер ҳўжаликлари вакиллари қатнашилари мумкин. Улар бу ерда нафақат кўргазмага қўйилган экспонатлар билан танишади, балки фирмалар вакиллари билан ўзларини қизиқтирган масалалар юзюсидан фикр алмашади, улар билан ускуналарни етказиб бериш бўйича шартномалар ҳам туза-

дилар. Кўргазма доирасида «Мамлакатимизнинг сармоявий сиёсати ҳақида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рабатлантириш» мавзюида семинар ҳам бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг мағбуот хизматида олинган хабарға кўра, туркум кўргазмаларнинг наивбатлиғи шу йил декабрь ойининг ўрталарида Қарши шаҳрида ўтказилади.

(ЎзА)

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз раҳбари халқ депутатлари Навоий вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида «Бу бало-қазодан қандай қутулиш мумкин, бу муаммонинг қандай ечими бор?», деб қўйган саволлари ва унга берилган жавобни яна бир қарра эслашга тўғри келади. Энг аввало, тафаккури шубҳа замони асосларидан холи, замонавий билимларга эга бўлган, иродаси кучли, фидойи ёшларни бошқаруви ишга олиб келиш — муаммонинг биринчи ечими сифатида белгиланди.

«Эски замон раҳбарлари тил учнда «халқим, халқим» деб, дилида эса «халқум», «балои нафс» деган шарманда бўлаётганликларини ҳаммага ибрат бўлиши керак. Мухтарам Юртбошимиз «Маънавий ва ахлоқий поклик, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатлар ўзидан келмайди, барчасининг замирида тарбия ётади», деб бежиз айтмаганлар. Биз, зиёлилар бор кучимизни соғлом сиёсий куч бўла оладиган баркамол ёшларни тарбиялашга сарфлашимиз лозим. Президентимиз мустақил давлатимиз келажagini фидойи ёшлар тизимида кўришларида жуда катта ҳикмат бор — бу фикрларни Фарғона вилояти, Учқўприк тумани, «Зиё» лицейи ўқитувчиси С. Акбаров мактубидан олдик.

Мамлакатимизнинг турли бурчакларида яшаб, меҳнат қилиб, таълим олаётган ёшлардан изоблат хат ва телеграммалар келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ёшларга билдирган юксак ишонч уларнинг қалбига ғайрат, шижоат уйғотганини кўришда мактубда битилган ҳароратли сўзлардан ҳам кўриниб турибди: «Сессияларда айтилган аччиқ, бироқ ҳаққоний гаплар биз, ёшларни ҳам кўпдан бери ўйлантириб келаятган муаммолар эди. Сиз нутқингизда халқига, Президентига суячқ бўла оладиган ёшлардан ибрат сиёсий куч яқин орада тузилишини қўйиб, ёшларни ҳам кўпдан бери ўйлантириб келаятган муаммолар эди. Бундай сиёсий куч расман ташкил топмаган бўлса-да, бироқ биз ва биздек минглаб ёшлар халқимиз манфаатлари йўлида олиб бораётган адолатли сиёсатингизни қўллаб-қувватлайди. Бу шарафли ишда Сизга таянч бўлишга тайёрмиз» (ТошДУ ҳуқуқшунос-педагог факультетининг 3-курс талабалари).

Йўлбошимизнинг ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсий ташаббуслари А. Қўшбоев, М. Қандақова, Э. Мадумаров, А. Турдиев, Ш. Мухитдинов, В. Зуев, А. Хайрутдинов, М. Насриддинов, шунингдек қўллаб олий ўқув юртилари талабалари мактубларини ўйлашган.

Муаммонинг иккинчи ечими сифатида — жамиятда демократик таълимнинг қарор топтириши, ҳокимиятнинг мустақил уч тизимга бўлинишини амалда рўйбга чиқариш, қабул қилинаётган қарорлар жараёнидан кенг халқ оммасининг хабардорлик даражасини ошириш ва фуқароларнинг давлатни бошқаришда фаол иштирокини таъминлаш муҳим вазифа қилиб белгиланди. «Бухорои Шариф» хайрия жағмафрасининг раиси Ш. Хайруллаев одамларнинг сиёсий фаоллигини оширишда аввало биз ҳокимиятнинг ташкилий тузилмаларини яхши билишимиз, қабул қилинаётган қонунлар лойиҳаси муҳокамасида ўз мулоҳазаларимиз билан фаол иштирок этишимиз зарур, дейди ва яна бир муҳим қарашни билдиради: «Юртбошимиз кадрларни танлашда уларнинг туғилган жойини эмас, балки кўпроқ раҳбарлик иқтидори ва инсоний фазилатларидан қилиб чиққан ҳолда тугган йўллари жуда тўғри». Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Алишер Навоий номи маҳалла оқсоқоли Эркин Гуломов мактубида шундай сатрлар бор: «Мен узоқ йиллар мобайни-

да илмий иш билан машғул бўлганман. Президентимизнинг маърузалари — бу жамиятимиз ҳаётида сифат жиҳатидан янгилишларни бошлаб берадиган ғояларга бой. Озод ва демократик давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимиз учун сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунга қандай эришиш йўллари эса Юртбошимиз аниқ кўрсатиб бердилар. Шунингдек, Р. Янгиев, М. Мақсудов, А. Мухаммедов, Р. Чориев, Д. Дурдиев, С. Матчонов, А. Атоев, Ю. Аюпьян, С. Арипов ва бошқа бир қатор фуқаролар ҳам айнан ана шу тамойилни маъқуллаб мактуб йўллашган.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий мулкчиликни ривожлантириш, мамлакатда мулкдорлар синфини шакллантириш муаммонинг яна бир муҳим ечими эканлиги қайд этилди. Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай дедилар: «Шу мақсадни тўла амалга ошира олсак, давлат мулкчи ҳисобидан ўғирлик, талон-тарож қилиш, ундан нопок йўлда

ламас экан, бизнинг ислохот, янгилиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамав кетаверишини юрт ва халқ истиқболига масъуллик билан таъкидлашди.

Демократик-хукукий муҳитнинг асосий белгиларидан бири — оммавий ахборот воситаларидир. Тан олиш лозимки, мамлакатимиз журналистлари миллий истиқлолимизни мустаҳкамлашдек умумий ишга садоқат билан ҳизмат қилишмоқда. Аммо журналистлар янгилишлар, ўзгаришлар ва воқеалар ривожидан, шиддатидан ортда қолаётганлари ҳам рост. Президентимиз матбуотнинг қудратли сўзини «фикр қарамлиги»дан кутқариб, фикрлар хилма-хиллиги ва эркинликка эришишни талаб қилмоқдалар. Ана шундай ҳаққоний талаб одамлар тили учнда турганлигини куйидаги мактублар ҳам тасдиқлайди: «Мамлакатимизда матбуотнинг энг катта ҳимоячиси Президентимиздир. Шу боис, журналистларимиз, умуман қалам аҳли дадил, шижоатли, камчиликларга муросасиз бўлиши лозим.

Юртбошимиз қайси вилоятга бормасинлар, ишни аввало одамларнинг ахлоқи, туриш-туруши, кайфиятини сўраб-суриштиришдан бошлайдилар. Пахта керак, ғалла зарур, аммо маънавий бойлик моддий бойлиқдан минг бор устун — бу Президентимизнинг асосий маслағи, эътиқоди. Халқимиз ахвол-руҳиятидаги энг самимий фазилат — шукроналик, сабр-қаноатдир. Бироқ, жойлардаги айрим раҳбарлар одамлар ишончини, танглигини суистеъмол қилишни «иш услуби»га айлантириб юборганликлари ҳақида кўпчилик ҳам ўқиниб, ҳам куюниб ёзишган.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Хўжанд қишлоғида яшовчи 90 ёшли соҳибкор Абдуҷаббор ота Юсупов мактубида юртимиз қариялари, оқсоқоллари, пиру бадавлатларининг самимий мулоҳазалари акс этган: «Сизнинг айтган гапларингизни телевизордан эшитиб ўйлаб қолдим ва китоб-дафтарини кўтариб юрган набирамни имлаб қаққириб, қоғоз-қалам ол, дедим. Халқимизни, айниқса, оддий дала одамнинг кўнглида қандай гап бор, рўзғори қандай ўтапти — барчасини жуда яхши билишингиз Сизга бўлган эътиқодимни яна ошириб юборди. Биз доимо пешонамизга Сиздек халқпарвар раҳбар битганига шукрона айтаимиз. Юрта не ташвиш бўлса Сиздан умид қилиб яшаймиз. Элимизнинг фаровонлиги учун олиб бораётган ишларингизда яратган эгамнинг ўзи Сизга мадақдор бўлсин».

Президентимиз номига келаятган мактуб ва телеграммаларни ўқир экансиз, юқорида тилга олинган сессияларда Йўлбошимизнинг маърузалари халқнинг ижтимоий уйғонишига, сиёсий фаоллигига туртки берганлиги, одамлар юрт келажиги, фарзандлари тақдирини ўз қўлларидан эканлигини англаб ета бошлаганликларини ҳис этасиз. Ўз ҳақ-ҳуққонини таниш, ўзигини англаш — масъулий туйғусини ҳам уйғотмоқда. Халқ ўзи ишон билдирган, ваколат берган раҳбарлардан қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар ва қарорлар ижросини талаб қилишга ҳақли, «ҳоким халқнинг ҳужайини эмас, халқнинг хизматкори» эканлигини ҳис қилиши кучаймоқда. Энг асосийси эса буюк келажак сари ташлаётган қадамларимизга тўғноқ бўлаётган иллатлар қарши курашда халқ ўз Президенти билан бирга эканлигини изҳор этмоқда.

Президентимизга ишониб, суяниб, қўллаб-қувватлаб хат ёзган, ўз фикрини билдирган одамлар тизимида «Озод, демократик, фаровон жамият қуриш йўлидаги ҳаракатлар мева бераётгани»ни, бу сиёсат «тобора оммалашаётганини, юртимизнинг энг олис жойларида ҳам ўз тарафдорларини топаётгани»ни кўрмоқдамиз.

Ҳозиргача Президентимиз Ислам Каримов номига мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва шаҳарларидан минглаб хат ва телеграммалар келди. Одамларнинг жўшқин фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган мактублар оқими бир кун бўлса-да тўхтагани йўқ.

Мақолага сўнги нукта қўйиш арафасида Андижон вилояти, Избоскан тумани, Пойтуғ ширкатлар уюшмаси, Туячи қишлоғида яшайдиган олий тоифадаги болалар шифокори Рўзиқон Эргашевдан телеграмма олдик: «Мухтарам Ислам Абдуғаниевич! Мамлакатимиз ва халқимиз тақдирини ўйлаб, юракдан жон куйдириб айтган гапларингизни ҳажжон билан тингладим. Она-Ватанга муҳаббат, Элга, Миллатга садоқат, Юрта фидойилик, фарзандларимиз келажиги учун қайғуришни Сизнинг тизимингизда кўрдим. Олло-толлодан халқимиз бахтига ва мен каби миллионлаб оналар бахтига соғомон бўлишингизни тилаб қоламан».

Жалолиддин САФОЕВ.

# АДОЛАТ ОФТОБИ

фойдаланиб меҳнатсиз даромад орттириш каби беъмани ишларга чек қўйиш мумкин». Президентимиз одамларнинг ҳалол ишбилармонлик ва тадбиркорликка бўлган интилишларини доимо қўллаб-қувватлаб, ҳимоя қилиб келмоқдалар. Хусусан, Самарқандда ҳам маъмурий идоралар вакилларига мурожаат қилиб, иш одамларига, тадбиркорларга нисбатан бирор-бир тарзда ноқонуний ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик зарурлигини ўқитдилар. «Мухтарам Ислам Абдуғаниевич, Сизнинг ишбилармонларни қонуний ҳимоянгизга олиб, қўллаб-қувватлаб айтган гапларингиз биз, тадбиркорларни беҳад руҳлантириб юборди. Келажакка бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади. Ҳаракатда — баракат деганларидек, биз ҳам ҳақ меҳнатимиз билан юртимиз ривожига ўз ҳиссамизни қўшамиз», деб ёзади Ургант туманидаги «Гавҳар» хусусий кичик корхонасининг директори Р.Аҳмадов. Хоразм вилояти, Шовот тумани Хидиров номи жамоа ўҳжалигидан Озод Бозоров мактуб йўллаб, ҳалол ишбилармон ва тадбиркорлар юртимизга қут-баракат киратаётганини, шу боис уларни ҳимоя қилиш айни мудоабулганлигини ёзади.

Жамиятимизда ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳитини вужудга келтириш, турли нодавлат ташкилотлар фаолиятини жонлантириш ҳақида билдирилган фикрларни ҳам юртдошларимиз кизгин қўллаб-қувватлашмоқда. «Юртбошимизнинг раҳбар кадрлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш ва умуман нодавлат ташкилотлар ва сиёсий партиялар таъсирини, ўрни ва ваколатини мустаҳкамлаш, уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳақидаги фикрларига тўла қўшилмаслик. Кадрларни танлашда ҳам жамоатчилик фикри, жумладан, маҳалла аҳлининг мулоҳазалари ҳисобга олиниши ўринли деб ўйлаймиз» (А. Музаффаров, Бухоро вилояти «Болалар» жағмафраси раиси). Худди ана шундай мазмундаги хат ва телеграммаларни А. Мусулмонкулов, С. Сойибов, М. Азимов, З. Назиров, З. Шомирзаев, А. Солиев, М. Фозилов ва бошқа қўллаб-қувватлашган.

Қўйилган улугвор мақсадларга одамларнинг сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш қийинлиги аён ҳақиқатдир. Президентимиз бу йўлда бизга одамларнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онги, ҳуқуқий билимлари асосий таянч бўлишини «Токи жамиятнинг ҳар қайси азоси ўз ҳуқуқини, ўз бурчини ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётини эҳтиёж сифатида ан-

Одамлар ҳамма нарсани кўради, билади. Ҳеч ким билмайди, кўрмайди, деданлар хато қилади. Лекин афрозимизда бўлаётган нуқсонларни биринчи бўлиб журналистлар кўриши, илғачи ҳамда бунга нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантириш лозим» деб ёзади Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими масъул котиби Х. Ортиқбоев.

«Журналист сўзи доимо одамлар қалбига малҳам бўлиб келган. Фақат тўғри ва ҳақ сўз ишонтириш қудратига эга. Биз бугун мавзу танлашда, муаммо кўтаришда, ҳам адашмаслигимиз лозим. Одамларни қийнаётган муаммоларни ўз вақтида маъмурият саҳифаларида акс эттириш журналист сўзига жон бағишлайди. Яна бир муаммо шундаки, биз ўз устимизда тинимсиз ишлашимиз, ўрганишимиз, билим ва савиямизни ошириб боришимиз даркор. Президентимизнинг матбуот ҳақида билдирган барча фикрлари биз учун йўналиш бўлади, деб ўйлайман». Бу мактуб муаллифи навоийлик журналист А. Ҳасанов. Матбуотни замон талаблари даражасига кўтариш, уни жонлантириш фақат журналистларгагина боғлиқ иш эмас. Мактублардан кўриниб турибдики, бутун жамоатчилик, турли соҳа вакиллари, сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлар намояндалари жамиятимиз ҳаётида кечаётган қайноқ воқеалар хусусида газеталар саҳифаларида, радио ва телевидение орқали ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришни аниъанга айлантиришлари керак бўлади. Шундагина лоқайдлик касаллигидан қутилиб, очик-ошкор мулоқотлар жараёнида фикрлар хилма-хиллиги таъминланади.

Нима учун одамлар кўпгина ҳуқуқий масалаларда ҳам фақат ҳокимга, юқори идора раҳбарига мурожаат қилишади? Бу ҳокимнинг ваколат доираси суъий кенгайишига олиб келмайдими? Нима учун бундай масалаларда, керак бўлса, ҳокимнинг ҳам ноҳақ ишлари юзасидан, қонунларимизда белгиланганидек, суд ҳокимиятига мурожаат қилмаймиз. Табиийки, бу Юртбошимизнинг Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раиси саволларига берган жавобларида ўртага ташланганидек, «ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур»лигини кўрсатади. Б. Йўлдошев, И. Кондратенко, М. Файзуев, А. Умаров, Р. Ражабов, С. Саидқаримов, Х. Бахтиёров, М. Шарифбоев, Р. Чориев ва бошқа кўпчилик ўз хатларида масаланинг шу жиҳатларига эътиборини қаратадилар, фуқароларни сўз эркинлиги имкониятларидан самарали фойдаланишга даъват этадилар.

## “COSCOM” БИЛАН ЯНГИ АСРГА

Ўзбекистон Миллий матбуот маркази шу мавзуда матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Маълумки, «COSCOM» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси мамлакатимизда тезкор радиоалоқа тизимини яратиб ва ривожлантириш мақсадида 1996 йил 26 апрелда ташкил этилган эди. Компания ана шу қисқа вақт ичида Марказий Осиёда биринчи бўлиб энг янги ҳамда истиқболли GSM-900 русумли уяли алоқа хизматини тақдим эта бошлади.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, «COSCOM» абонентларининг 3,5 миңдан ошганига ҳам корхонанинг сифатли хизмат кўрсатаётганлигидан далолат беради. Бугунги кунда компания GSM алоқасидаги алоқа тармоғи билан жуда катта ҳудудни қамраб олган автоматик роуминга эга. Мижозлар код рақамларини териб ўтирмадан, тўғридан-тўғри Тошкентдаги телефон рақамига сим қўқиши мумкин.

Халқаро автоматик роуминг — бу мижоз бошқа ҳудуддаги операторни олдидан оғоҳлантирмай, хизматдан фойдаланаверади дегани. Биргина шарт шунки, операторлар ўртасида роуминг шартномаси имзоланган бўлиши керак. Шунда мижознинг рақами ўзгармай қолаверади. «COSCOM» абонентлари эндиликда Россиянинг Москва, Тверь, Тула, Калуга, Владимир, Рязань, Псков, Смоленск, Сикстинкар, Кострома ва Москва вилоятининг 15 та шаҳри билан тўғридан-тўғри алоқа боғлаш имконига эга бўлдилар. «COSCOM» компанияси Ўзбекистонда GSM-900 алоқасидаги рақамли уяли алоқа тармоғини ривожлантириш дастурини амалга ошириш борасида ишончли ҳамкорлар. У тўғридан республикамиз фуқароларни халқаро тезкор алоқаларнинг бутун жаҳондаги тенг ҳуқуқли иштирокчиларига айландилар. Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



«ГУЛИСТОН» ЧОЙХОНАСИ

Кейинги йилларда республикамизнинг барча вилоятларида қурилиш ишларига катта эътибор берилмоқда. Жойларда қад кўтарган замонавий иморатларни, кўп қаватли тузар-жой биноларини қўриб қалбига қўювчи бўлади. Яқинда Гулистон шаҳрининг қоқ марказидан оқиб ўтадиган «Дўстлик» канали дўнда барча қўлайликларга эга бўлган «Гулистон» миллий чойхонаси ишга туширилади. Маъмур миллий чойхона «Сирдарё» уюшмаси томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Унда қилмиш тўқ маросимларини ўтказиш зами, 30 ва 10 ўринли 2 та банкет заллари, ёзи мавсум учун каналнинг қирғидаги 80 ўринли думбалак павильонлар мавжуд. Шунингдек, яқна тартибда оқибат тайёрлаш учун 40 кишилик маъмуе хоналар ҳам бор. Энг муҳими, бу ерда таомлар буюртмаси телефон орқали қабул қилинади. Айни пайтда «Гулистон» чойхонаси эл хизматиди. СУРАТЛАРДА: «Гулистон» миллий чойхонасининг умумий кўриниши; ошхона ходимларининг хизматидан мижозлар мамнуи. Баҳром ТўРАЕВ, Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Далил ва шарҳ  
Жаҳон бозор иқтисодиётининг ривожланиш назарияси ва амалиёти моҳиятига кўра, давлатнинг асосий вазифаси ижтимоий-иқтисодий тараққиёт учун зарур барча ташкилий-иқтисодий шарт-шароитларни яратиб беришдан иборат. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим асос сифатида ўзига хос босқич вазифасини ўтайди. Чунки бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида ҳиссадорлик тижорат ва хусусий банклар етакчи ўринни эгаллашлари лозим.

## ЯНГИ БОСҚИЧ: БАНК ВА СУФУРТА

Маъмур Фармоннинг аҳамияти шундаки, у ҳиссадорлик тижорат банклари бошқарувининг фундаментал жиҳатдан янги механизмни шакллантириш ва ривожлантириши, хусусан, ҳиссадорларнинг бошқарувдаги мавқеани ошириши кўзга татади. Шунинг ўзидек Йўлбошимиз томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бири — «давлат иқтисодий ўзгаришларнинг асосий ислохотчиси» эканлигини яна бир бор исботлади. Чунки, бу ҳужжатда ҳозирги замон шароитида иқтисодиётнинг энг муҳим соҳаси бўлмиш молия бўҳмасини ривожлантиришнинг принципал йўналишлари, банк ҳамда суфурта тизимидаги давлат ва нодавлат секторларни ўзаро узвий равишда ривожлантиришнинг янги йўллари белгилаб берилган.

Фармон, айниқса, мамлакатимизда янги шароитда суфурта тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Унда Ўзбекистон банклари ассоциациясига Марказий банк, Молия вазирлиги ҳузуридаги суфурта назорати бўйича давлат инспекцияси билан биргаликда 1998 йилнинг охиригача банк омонатларини нотижорат таваккалчиликлардан суфурта қилиш тизимини ривожлантириш юзасидан таъсирчан чоралар қўриш тавсия этилгани бунинг далилидир. Тижорат ва давлат ҳиссадорлик банкларининг бутунги кунда нотижорат қалтиликлардан суфурталашга ижтимоий эҳтиёжнинг ниҳоятда паст даражада эканлигини эътиборга олак, Фармоннинг долзарблиги ва замонавийлиги янада аниқ аниқлашди.

Маълумки, қўллаб тижорат, ҳатто айрим йирик давлат ҳиссадорлик банкларининг раҳбарлари халқимизнинг уларга ишониб топшириб қўйган омонатларини ҳимоя қилиш иммасидаги масъулиятни юксак даражада ҳис этмаган ҳолда, «Биз фаолият кўрсатиб келмоқдамиз, қўриб турибсизки, хавф-хатар ва қалтиликлардан суфурта қилмасак-да, ҳозиргача ҳеч бир ҳодиса руй бергани йўқ», деб уларнинг оқламоқдалар. Улар халқимизнинг «кўза кунда эмас, кунда синди» деган мақолини эслаб турсалар, мақсалта мувофиқ бўлур эди. Зотан, суфуртага юқоридагилек муносабатда бўлиш банк тизимини илгор қалтир тажриба асосида суфурталаш тартибига, умуман, бозор иқтисодиётига мутлақо эдилар. Шу маънода, маъмур Фармон суфурта маданиятини шакллантиришда нафақат иқтисодий, балки маънавий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Унинг замонавийлиги ва илмий асосланганлигини илгор хорижий тажрибалар тақлили ҳам тасдиқлайди. Чунки банк қалтиликларини самарали бошқариш, банк ва суфурта тадбиркорлигидати хусусиятларини фарқлай олиш, айни вақтда умумий туташ ҳамда фойдали нуқталарни топиш суфурта компаниялари ва банклар, айниқса, уларнинг кўп сонли мижозларига ҳам бирдек манфаат келтириши мумкин. Тадбиркорликнинг бу икки тури бир-бирини ажратмасдир. Банклар учун илмий манбалардан бири сифатида суфурта компаниялари фаолияти натижасида шаклланидиган суфурта захирапарти қизмат қилади. Банклар фаолиятида умумий хавф-хатарнинг қамалинига суфурта қилиш йўли билан эришилади.

Республикамиздаги банкларни нотижорат қалтиликларини суфуртавий ҳимоялашнинг энг самарали усулларидан бири — бу қайта суфурталашдир. Экспертларнинг фикрича, мамлакатимиз банк тизимидаги нотижорат қалтиликларининг суфуртавий маъбурий сўм билан баҳоланади. Бу ҳол шунинг кўрсаткичи, биронта суфурта компанияси банкларни нотижорат қалтиликларидан ҳимоя қилиш учун қайта суфурталаш жараёнини амалга оширмай туриб, суфурта ҳимоясини бажара олмайдди. «IShONCh» компанияси бошқа суфурта компаниялари билан ҳамкорликда ана шу мақсад йўлида фаолият юргизмоқда.

Ш. ИММОВ, иқтисод фанлари доктори.

## ГОЛЛАНДИЯЛИКЛАР ОЛҚИШЛАДИ

Санъат сарҳад билмайди, деганлари шу-да. Яқинда ўзбекистонлик бир гуруҳ санъат гулчилари уққ Голландияга таширф буюришиб, ҳафта давомидида мамлакатнинг Утрехт, Эволе ва Апельдорн шаҳарларида маъмуе тайёрланган дастур асосида концерт қўйиб беришди. Булар — Тошкент шаҳридаги 101-қарлар мактаб-интернатининг тарбияланувчилари — Рустан Султонов раҳбарлик қилдиган қизлар рақси ансамблининг қатнашчилари Салима Розикова, Раъшан Маханова, Марҳоба Зиёева, Ольга Да-

видова, Нодира Мадрохимова, Нодира Эргашева, Мухтабар Убайдуллоева ва Шаҳноза Ханиповалардир. Улар маҳорат билан ижро этган «Андижон полкани», «Омон ёр», «Бугун байрам», шунингдек, хоразмча, бухороча, эронча, арабча, ҳиндча рақслар голландиялик томошабинларда катта таъсирот қолдирди. Ёш рақсчиларнинг чиқишлари маҳаллий аҳоли оқширича сазовор бўлганлигини бу ерда чиқадиган газеталар ҳамда телевидение кенг ёритганлиги ақсол кўрсатиб турибди. Шунинг алоҳида таъкидлаш

Ортиққали ТИЛОВЕРДИЕВ.



